

**“БОБОТОҒ БАҒРИДА ТУҒИЛГАН ҚУЁШ”
ЁХУД ЭШҚОБИЛ ШУКУР ШЕЪРИЯТИДА ҚУЁШ ҲАЙРАТИ**

Улдона Абдурахмонова,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети 3-босқич докторанти
Тошкент, Ўзбекистон
uldana.abdurahmonova@mail.ru

Аннотация:

Ушбу мақолада Эшқобил Шукур шеъриятида зиё, маърифат, интеллект ва илм маъносида келадиган қуёш образи “Ўттизинчи йиллар”, “Сургун”, “Хун ибодати”, “Бахтнинг ўлчови”, “Озодлик” каби шеърлари асосида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: қуёш, маърифат, кўнгиш, миллат, ишқ, янги образлар, миллий поэтик тафаккур, изтироб, иймон.

Тонг отиши-ю кун ботиши, вақт ўтиши, фасллар алмашиши, 150 миллион километр олисдан замин бағрига Қуёш нурлари етиб келиши-ю бунинг натижасида Ер юзида ҳаёт бўлиши – чиндан ҳам Яратганининг ҳайратланарли мўъжизаси. Халқимиз қуёш мўъжизасини қадим-қадимдан англагани учун ҳам уни бобо деб эркалайди. Бутун бошли Қуёш туркум мифларини ижод қилган истеъдодли шоир Эшқобил Шукур ижодий шахсиятидаги қуёш ҳайратининг ўқилдизи ҳам айти шу меросимизга бориб тақалади.

Бунда қуёш образи кўпинча зиё, маърифат, интеллект ва илм маъносида келади. Дейлик, миллат ойдинлари аёвсиз қатағон қилинган даврларнинг мудҳиш хотираларидан сўзловчи “Ўттизинчи йиллар” шеърида ўзбек маърифатпарварларини “занжирбанд қуёшларим” истиорасида ифода қилади (“Тунги гуллар” тўплами¹да эса “занжирбанд қуёшларим” сатри “Ўздан қолган қуёшларим” тарзидаги сал тушунарсиз таҳрир билан чоп қилинганки, буни 1989 йилда ҳам собиқ тузумнинг расмий цензураси ҳали амалда бўлгани боис “занжирбанд” сўзи бир банд олдинги “дўстдан қолган” сўзларига уйқош қилиб “ўздан қолган” тарзида мослангани билан ифодалаш мумкин):

“Кўнглим қуёшга тўла,

Занжирбанд қуёшларим...

Энди нетай? Энди нетай?”.²

Шу боис ҳам “Сургун” туркуми³да мустабид тузум қатағон қилган “бир сулув, бир қайғули” момоларимиз тимсолларидан бири бўлган Нақшигул образи воситасидаги

¹ Эшқобил Шукур. Тунги гуллар. – Т.: Ёш гвардия, 1989, 15-бет.

² Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Т.: Шарқ, 2002. 96-бет.

³ Эшқобил Шукур. Яшил қушлар. – Т.: Ёзувчи, 1995. 25-33 бетлар.

миллат изтироблари, миллат қайғуси “янчилган қуёш” (“Сенинг тушларингни кўрдим, Нақшигул: // Тишлаб турар эдинг юракни маҳкам, // Тегирмон қуёшни янчарди нуқул, // Янчарди Хоразм ойлари хам”), “ўчаётган қуёш” (“Бир жуфт кўз косаси... Тўкилар нола, // Ўчар ёнаётган бошокдай қуёш. // Тутилган кун эмас еганинг, болам, // Еганинг, бошимни ёрган қора тош”) истиоралари билан ифодаланади.

“Қошғарий ёди” шеъри⁴ (“Улардан шоирлар чиқиб келмоқда, // Кўксини тўлдирган алвон қуёшлар”) ва “Нақшбанд” достонида (“Семурғ қони билан ёзилган китоб, // Қуёш томоғида пиширилган таом...”⁵ ёки “Умматлар дилига умидвор боққан, // Зулматлар қаърида қуёшлар ёққан”⁶) ҳам қуёш образи илм-маърифат маъносида келадигани, шоир инсонни инсон, миллатни миллат сифатида улғайтирадиган маърифий қувват ва қудратни шу тимсолда кўради.

Бу, айниқса, достоннинг Баҳоуддин пўстинига бағишланган ҳикоят⁷да теранроқ ифода топади. Садриддин Салим Бухорийнинг “Дилда ёр” (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд) бадиаси⁸да келтирилган ривоят манзумаси аввалида “ўзига ўт қўйиб” ёнаётган саратон, яъни риёзат билан ўзини, нафсини қийнаш ҳоли тасвири келаркан, шоир қуёшни “осмон эркаси”га, амалини – “олтин эритиш”га, ҳосиласини эса жон машаққати/изтиробига (“Олтин эритади осмон эркаси, // Танлардан тер эмас, чаккилайди жон”) менгзайди. Бу билан шоир иймон маърифати (ақли кулл илми) Яратганнинг нақадар улуғ неъматли бўлса, унга эришиш учун нафс-жонни шу қадар қийнаш – риёзат чекиш лозимлигини англатади.

“Заъфарон ўт ичра теварак беҳол”, “кўрғошин мисоли эриб суюл” аётган, борлик изтироб билан ўзини тартибга солаётган паллада бу коинот миқёсидаги ибодат-риёзат устоз (Саййид Амир Кулол) ва шогирд (Баҳоуддин Нақшбанд)нинг имтиҳонига уланади (олов рамзи бу ўринда синов-имтиҳон мотивида ҳам келади). “Пирдан хуш насимдай эс”ган буйруққа кўра, шогирд хумдонга ўт қалаб, бор-йўқ давлати – ягона пўстинини оловда ёқворади. Сўнг бирдан пирдан “Хумдонга киринг-да, пўстинни олинг!”, деган топшириқ бўлади. Ҳазрат эса ҳайронки, “Темир ҳам кетарди эриб, пўстин-ку ёнади ўтиндан олдин”. Аммо пир амри вожиб, буйруқ – буйруқ, муҳокамага ҳожат йўқ, бажарилиши керак, вассалом:

“Пир талаб этдилар... Бош эгди Ҳазрат.

Қалқондай қўллари безади кўксин.

Хумдонга кирдилар... Лов-лов ўт фақат,

Аммо бир туки ҳам куймаган пўстин”.

⁴ Ўша манба. 137-бет.

⁵ Ўша манба. 229-бет.

⁶ Ўша манба. 232-бет.

⁷ Ўша манба. 241-бет.

⁸ Батафсил қаранг: Садриддин Салим Бухорийнинг “Дилда ёр”. – Т.: Ғафур Ғулом, 1993. 5-бет.

Бу ўринда хумдон – дунёвий ташвишлар, тирикчилик машаққатлари, зоҳирий олов рамзи экан, ўз-ўзидан савол туғилади? Бу ўринда нега айнан пўстин образи танланган? Пўстиннинг оловга ташланиши-ю куймаганининг тамсили нима?

Бунга “сўфий” сўзи ўзагидан жавоб топамиз.

Кўплаб манбаларда келадикки, “сўфий” – арабча “сўф” сўзидан ясалган бўлиб, унинг луғавий маъноси жун (ёки айнан туя юнги)дан тўқилган матони англатади. Сўфийлар жунли чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юргани боис ҳам улар шу ном билан аталган⁹. Демакки, юқоридаги манзумада келган пўстин рамзи сўфийликни, илоҳий ишқни билдирмоқда. Пўстиннинг хумдонда куймагани – дунёвий ташвиш-изтироблар иймон маърифатини енга олмаслигини англатади. Мазкур ривоятда ҳам Саййид Амир Кулол Ҳақни топиш учун “буюк оташ ичра дил ва танни ўтин”га айлантриш лозимлигини, Ҳазрат Баҳоуддин “Оллоҳ ишқида куйган чоғ”да у билан шу пўстин ҳам “тенгма-тенг ёнган”ини айтиб, “бу пўстин Сиз билан Ишқ оловини кўрган, шунинг учун ҳам дунё ўти унга таъсир қилмайди”, дер экан, машойихларнинг “Каси сўхтаро ду бора бирён накунанд”, яъни, “куйган одамни иккинчи маротаба ўтга ташламаслар” ҳикматини эслатади:

“Мир Кулол дедилар: “Фарзанд, боқингиз,

Буюк оташ ичра дил ва тан ўтин –

Сиз Оллоҳ ишқида куйган чоғингиз

Сиз билан тенгма-тенг ёнган шу пўстин.

Бу пўстин сиз билан Ишқ ўтин кўрган,

Унга кор қиларми хумдон олови.

Қайта куйдирилмас, бир бора куйган,

Оловдан тикилган Ишқнинг ялови”.

Манзума якунида шоир яна саратон – жазирама тасвирини чизаркан, кунботар томон бораётган пўстинли дарвешни – сўфийни (Ҳазрат Баҳоуддинни) оловга, қалбини эса қуёшга (иймон қуввати, маърифат қудратига) менгзайди (шу боис ҳам мазкур достонда пирлар “қуёшда қишлаган”, дея таърифланади):

“Бир олов бормоқда... Ёнар саратон.

Борар қуёшларга тўлдириб кўксин.

Олов юриб борар кунботар томон,

Эгнида бир туки куймаган пўстин”.

Қуёш образи “Хун ибодати” шеърида **кўнгил фарёди** (“Бўғзимдан қизариб чиқади қуёш¹⁰”), “Бахтнинг ўлчови”да том маънода **хайратга эришиш саодати** (“Кийиб ололмайсан қуёшли кунни – // Бу бахт ўлчанмаган сенинг руҳингга, // Бу бахт минг газ

⁹ Батафсил қаранг: Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр, 2009. 11-бет.

¹⁰ Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Т.: Шарқ, 2002. 116-бет.

катта сенинг танангдан¹¹”), “О, бизнинг Бир кун келар...” анафораси¹²да **Яратган адолати билан бериладиган ризк, тақдир неъмат, оила фаровонлиги** (“О, бизнинг Бир кун келар... // Нондай ҳалол бўлар дастурхонимиз, // Куёш каби бутун бўлар нонимиз”), “Озодлик” манзумасида **қалб озодлиги, эркин инсон, Ватанли миллат** (“Юрак саҳарида кўриниш бердинг, // Куёш арзандаси, кўнгил ҳулкари¹³”), “Кўхна юрт ҳақида янги шеър”да **Ватан, Яратган марҳамати** (“Боботоғ бағрида туғилган куёш”) маъноларини ифодалайди.

Умуман олганда, Эшқобил Шукур ижодида куёш ҳайрати шеърдан шеърга параллел, аммо изчил, босқичма-босқич улғайиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр, 2009.
2. Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. – Т.: Гафур Гулом, 1993.
3. Эшқобил Шукур. Сочлари сумбул-сумбул. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1988.
4. Эшқобил Шукур. Тунги гуллар. – Т.: Ёш гвардия, 1989.
5. Эшқобил Шукур. Яшил кушлар. – Т.: Ёзувчи, 1995.
6. Э.Шукур. Ҳамал айвони. – Т.: Шарқ, 2002.

THE ACCOUNTS OF RECEIVABLE AND PAYABLE IN CONSTRUCTION ORGANIZATIONS

Nurillo Ablazov

Doctoral student, Fergana Polytechnic Institute, Fergana, Uzbekistan

Abstract

This thesis covers the issues of receivable and payable in the construction enterprises of our country, their compilation and accounting procedures, and the issues of applying International financial reporting standards in this direction.

Keywords: economic entity, financial result, receivable and payable, obligation, debtor, property rights, IFRS, NAS.

In modern economic conditions, an important element of the financial and economic activity of any economic entity, including organizations in the construction industry, is obtaining a positive financial result, the amount of which is influenced by receivables and payables, which are an integral component of commodity-money relations formed between suppliers and

¹¹ Эшқобил Шукур. Сочлари сумбул-сумбул. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. 39-бет.

¹² Эшқобил Шукур. Яшил кушлар. – Т.: Ёзувчи, 1995. 3-бет.

¹³ Эшқобил Шукур. Ҳамал айвони. – Т.: Шарқ, 2002. 303-бет.

customers in as a result of construction and sale of real estate. Traditionally, accounts receivable in the form of funds received in the process of selling both real estate during construction and after its commissioning act as a means of repaying accounts payable. The timely receipt of financial resources to the accounts of suppliers by paying off obligations on accounts receivable, as well as attracting credit resources at a cost more attractive than equity capital, enable organizations to reduce costs, improve performance and, as a result, increase financial results, solvency and financial stability [1].

Another feature of receivables and payables is the multiplicity of types of estimates (for example, reduced, fair) and methodological approaches for certain types of accounting in accordance with national accounting standards (here in after referred to as NAS) and IFRS within the framework of accounting and economic approaches [2].

An additional feature of receivables and payables when considering them from the accounting aspects of possible causes (for example, due to the transfer of goods, works (services), property rights, etc.), and from the standpoint of organizing control over their return under concluded contracts (for example, normal, overdue, hopeless) lies in the multiplicity of its types. At the same time, the “set” of such debt in each organization is individual and can vary depending on the economic situation, influencing the organization of analytical accounting, control of the formation and status of debt.

Thus, based on the established and disclosed features of receivables and payables within the framework of an integrated approach, which allows us to expand the understanding of this definition as an object of accounting and control, we believe that the general interpretation of these concepts can be presented as follows:

- accounts receivable is the obligation of the debtor to the organization in the form of a debt that arose in the process of economic relations with them within the framework of the production and commercial cycle for work performed for it, services provided, materials and goods sold, documented, signed and confirmed by invoices and acts of completion works, but not paid, including advances issued to contractors and employees, upon the return of which, in accordance with the concluded agreement, it is expected to receive funds / other expenses and a change in the value of part of the property. Work that has been completed but not accepted in documentation does not generate receivables.
- accounts payable is part of the organization’s property, which represents the subject of various obligations to legal entities and individuals for materials, work and services received from them, documented, signed and confirmed by invoices and certificates of work performed, but not paid to counterparties, including advances received from counterparties who have the right to demand its collection in accordance with the concluded agreement, as a result of which the expected outflow of funds / other income and a change in the value of part of the property.

Work completed but not accepted by the customer does not incur any accounts payable until the initial documents are signed. If the customer refuses to accept the work while it is being completed, the dispute will be settled only in court with the involvement of an independent assessment to confirm and evaluate the completion of the work [3,4].

Accounts receivable and payable carry the existence of contractual obligations between employees, contractors and customers, regulatory authorities, organizations and suppliers, which are regulated by the Civil Code of the Republic of Uzbekistan; Labor Code of the Republic of Uzbekistan; tax obligations, regulated by the Tax Code of the Republic of Uzbekistan. In this regard, for business entities in construction activities, it can be classified in accordance with legal regulations (Table 1)

Table 1. Grouping of receivables and payables in accordance with legal norms

Types of obligations	Legal norms
Account 6010 “Settlements with buyers and customers” Account 6900,7900 “Settlements with various debtors and creditors” Account 7800 “Calculations for loans and borrowings”	the Civil Code of the Republic of Uzbekistan
Account 6700 “Settlements with personnel for wages”	the Labor Code of the Republic of Uzbekistan
Account 6520 “Calculations for taxes and fees” Account 6510 “Calculations for social insurance and security”	the Tax Code of the Republic of Uzbekistan

The main types of accounts payable for construction business entities engaged in housing construction are debts to suppliers of materials and services and contractors. When purchasing materials (works, services) with a payment schedule on the terms of subsequent payment, the developer is credited interest-free in the amount of the transaction from the moment of receipt of materials and services until the moment of payment to suppliers and contractors [4,5]. If the agreement for this transaction does not stipulate the conditions commercial lending, the developer receives from the supplier not just a loan, but a free loan. Detailed classification of receivables and payables, taking into account different approaches to its interpretation (legal, accounting, tax, economic, managerial), which makes it possible to develop such analytics of accounts that will perform built-in control functions directly in the process of recording the facts of economic life and will not make it possible to go beyond the planned, estimated indicators.

Conclusion

The use of international standards in the formation of financial results in construction enterprises serves to provide them with transparent, accurate and more complete and perfect information to external users. Of course, along with the implementation of international standards, construction companies will be encouraged to increase their assets and sign various international agreements.

References

1. O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobi milliy standartlari to‘plami .–T.: “NORMA”, 2011. 360-bet.
2. Mcdonald, B., & Smithers, M. (1998). Implementing a waste management plan during the construction phase of a project: a case study. *Construction Management & Economics*, 16(1), 71-78.
3. American Institute of Architects (AIA) Sustainability Discussion Group. (2008). Quantifying sustainability: A study of three sustainable building rating systems and the AIA position statement. Available at: https://www.iccsafe.org/gr/Documents/GreenToolkit/Quantifying_Sustainability-AIA.pdf [Accessed on 20 September 2016].
4. Oko John, A., & Emmanuel Itodo, D. (2013). Professionals’ views of material wastage on construction sites and cost overruns. *Organization, technology & management in construction: an international journal*, 5(1), 747-757.
5. Ugli, X. S. Y. (2022, May). Evaluation of the effectiveness of agrotourism development directions in the republic of Uzbekistan. In *International Conference on Research Identity, Value and Ethics* (pp. 268-272).